



# ОЛТИН ВОДИЙ ЮРАГИДА ЖЎШ УРАЁТГАН ҲАЁТ НАФАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш учун Фарғона вилоятига ташриф буюрди.



Фарғона — олтин водийнинг юраги! У минг йилликлар билан бўйлашган цивилизация маркази. Қадим маданият ўчоғи. Бу дийёрда яшаган инсонлар доим ҳаётсеварликда намуна бўлган. Янги ҳаёт қуришда олдинги сафларда юриб, доим Ватан шанини банд кўтарган. Шу боис, халқимизнинг севикли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг:

*Мен буюк юрт ўлидурман,  
Мен башар фарзандиман,  
Лекан аввал сенга бўлсан,  
Содик ўзлон, ўзбегим,*

деган мисралари қалб қўридан чиқиб, юракларга етиб борган эди. Ҳа, доволан охири

Фарғона сари йўл олишингиз ҳамон тоғларга бўйлашган кўксингиз фаҳрга тўлиши бежиз эмас.

Бугун Шарқ гавҳари бўлган вилоят янги Ўзбекистондаги ислохотлар изчиллигига муносиб тарзда янгилашиб бормоқда. Фарғона том маънода мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётидаги таянч нуқталардан бирига айланиб улгурди. Буни Қўқон шаҳрида барпо этилаётган замонавий қиёфага эга массив мисолида ҳам қўриш мумкин.

Мамлакатимиз етакчиси Фарғона вилоятига навбатдаги ташрифини Қўқондаги “Янги Ўзбекистон” массивининг куриб битказилган қисмини кўздан кечиришдан бошлади.

Ушбу массив дарвозасидан киришингиз ҳамон бутунлай янги дунёга тушиб қоласиз. Қўз ўнгингизда замонавий шаҳарсозлик ва қадимий меъморчилик уйғунлигидаги шарҳарча пайдо бўлади. Давлатимиз раҳбари 2024 йилда Фарғонага ташрифи чоғида янги массив қуриш ташаббусини илгари сурган эди. Утган қисқа муддатда бу манзилда кенг кўламли қурилиш, бунёдкорлик ишлари бажарилди. Лойиҳа қиймати 1 триллион 850 миллиард сўмлик ушбу массивда 6338 хонадондан иборат 84 та кўп қаватли уй жойлашади. Аҳамиятлиси, массив ҳудудда яшайдиган аҳоли барча эҳтиёжига шунинг ўзида жавоб топади. Хусусан, массив ҳудудда мактаб, боғчалар, олийгоҳ, бизнес ва савдо марказлари, автотураргоҳлар ҳамда

замонавий дам олиш масканлари ҳам бунёд этилади. Ҳудуддаги яшил майдон, мустаҳкам илдиз отган дарактлар, сокин мустиқага ҳамоҳанг сув пурқатган фаввора, қўшдан қувват оладиган кўча чиқоқлари — буларнинг барчаси қалбингизга сурур, эртанги кунга ишонч беради. Беихтиёр ҳаёлингиздан “Тўкин ҳаёт излаб пойтахтга бориш шарт эмас! Янги Ўзбекистондаги ислохотлар мамлакатнинг барча ҳудудда бирдек ўтказиляпти. Юртнинг исталган жойида катта шаҳарларга хос қўлайликни топиш мумкин” деган ўй ўтади.

Янги массивда лойиҳанинг биринчи босқичи якунланди: 10 қаватли 56 та уй қуриб битказилди. Фойдаланишга топширилган ушбу бинолар 4394 хонадондан иборат.

Мухими, хонадонлар тайёр ҳолатда, 35 фоиз бошланғич тўлов асосида, йиллик 16 фоизлик ставка билан 20 йил муддатга имтиёзли кредит асосида берилмоқда.

Президентимиз массивда бажарилган ишларни кўздан кечирди. Янги хонадонлардан бирига кириб, яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Массивнинг ижтимоий аҳамиятига алоҳида тўхталиб, бу ерда шаклланаётган янги муҳит одамларнинг дунёқарши, яшаш сифати ва турмуш маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, фарғоналик нурунийлар, маҳалла фаоллари билан самимий суҳбат бўлди. Улар “ижтимоий давлат” тамойили асосида жойларда инсон манфаатлари таъминланаётганини эътироф этди. Замонавий

таълим ва тиббиёт муассасалари, обод маҳаллар, янги корхоналар ва тадбиркорлик имкониятлари халқимиз ҳаётида ижобий ўзгаришлар ясаётганидан мамнуллигини билдирди. Нурунийлар бу сайёҳаракатлар туфайли юртда тўкинлик, фаровонлик ва ижтимоий барқарорлик мустаҳкамлаётганини айтиб, давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги янгилаштирилган ўқилди халқни рози қилиш, инсонни қадрлашди. Вилоятдаги энг йирик ва замонавий шаҳарсозлик лойиҳасидан бири бўлган “Янги Ўзбекистон” массиви ана шу ислохотларнинг амалий ифодаси.

➔ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРҒИЛОН ШАҲРИДАГИ “БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ” ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ТУРИЗМ МАЖМУАСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, мухтарам Фарғона аҳли! Қадри дўстлар!

Бугун қадимий ва бетакрор Фарғона заминидан улкан тарихий воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Буюк ипак йўли дурдонаси бўлган кўҳна Марғилон шаҳрида сизлар билан бирга “Бурҳониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиш маросимида иштирок этмоқдамиз.

Сиз азизларни, бутун Фарғона вилояти аҳлини ана шундай қувончли воқеа, катта байрам билан чин қалбимдан самимий табриклаймман.

Мана шундай улғувор мажмуа барчамизга муборак бўлсин!

Фарғона элига, бутун халқимизга кўп йиллар давомида хизмат қилсин!

Хурматли ватандошлар! Меҳнатқаш, оққўнғил ва олижаноб Фарғона аҳлига бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида бу заминда катта-катта ишларни амалга оширяймиз.

Шу мақсадда, аввало, вилоятни 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳаётига изчил таъкид этиляпти. Жумладан, қадимий Қўқон шаҳрини ҳар томонлама обод қилиб, бу ерда аэропортини қайта тикладик. Марғилон, бошқа шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, уларга Янги Ўзбекистон нафаси кириб бормоқда. Замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, IT-парклар, “Янги Ўзбекистон” турар жой массивлари барпо этилмоқда.

Буларнинг барчаси аҳоли учун қўлай меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш, ҳар бир юртдошимизга меҳр ва эътибор кўрсатиш, инсон қадрини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Умуман, барча соҳа ва тармоқларда Фарғона ўзининг таърихи мактабига эга бўлиб бораётгани ҳаммамизни хурсанд қилади.

Ушбу ҳудуд кейинги пайтда нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсдаги йирик анжуманларга ҳам мезбонлик қилмоқда. Қўқон шаҳрида халқаро хунармандчилик фестивали, Риштонда кулчилик анжуманини ўтказиш яхши аниёнага айланди. Марказий Осиё

мамлакатларининг ҳудудлараро ҳамкорлик форумлари ҳам Фарғонада муваффақиятли ўтказилмоқда.

Сизларга маълумки, сўнгги йилларда миллий меъморчилик ечимларини қўллаган ҳолда, тарихий ва замонавий аниёналарни муҳасаса этган йирик туристик мажмуалар барпо этишга алоҳида эътибор бераямиз. Хусусан, Самарқандда “Буюк ипак йўли” ва Имом Бухорий мажмуалари, Хоразмда “Арда Хива” халқаро туризм маркази ишга туширилди.

Яқинда азиям пойтахтимизда очилган, Янги Ўзбекистон дурдонаси сифатида эътироф этилаётган Ислон цивилизацияси маркази ҳам бу борда улкан қадам бўлди. Таъкидлаш керакки, ушбу мажмуа экспозициясида Фарғона тарихига алоҳида ўрин ажратилган. Бу масканда тўртта йирик порталдан биттаси Қўқон портали деб аталади, Биринчи Ренессансининг буюк намоёндалари — Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний боболаримиз фаолияти атрофида ёритилган. Буларнинг барчаси — Фарғона вилоятига, бу замин фарзандларига юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Яна бир муҳим жиҳати — ана шундай мажмуалар туфайли жорий йилнинг биринчи чора-ғида Ўзбекистонга 3 миллионга яқин хорижий сайёҳ ташриф буюрди ва туризм экспорти 1,1 миллиард доллардан ошди. Бу, албатта, дастлабки натижа, келажакда унинг салмоғи янада катта бўлади деб ишонаман.

Қадри фарғоналик юртдошларим! Маълумки, бу сўлим дийрдан етишиб чиққан, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган Увайсий, Ноҳира, Анбар отин, Дилшод Барно, Қўқоний, Муқимий, Фурқат, Завкий, Чархий, Собир Абдулла каби шоир ва адиблар номлари халқимиз ўртасида маълум ва машҳур.

Шунингдек, Азиз Қанонов, Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев, Охунжон Ҳақимов, Умарали Норматов, Эноҳон Сиддиқова, Анвар Обиджон сингари олимлар, шоир ва адиблар яратган асарлар ҳам халқимизнинг маънавий мулкига айланган.

Ўзбек санъати ва маданияти равнақи-га беқисс ҳисса қўшган Юсуфжон қизик

Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қорнқубов, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров, Саодат Қобулова, Берта Давидова, Муроджон Аҳмедов, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров сингари улус санъаткорлар билан бутун халқимиз фахрланади.

Бугунги давраимизда Абдуҳошим Исмоилов, Абдулаҳад Абдурашидов, Қиличбек Тожиев каби устоз санъаткорлар билан бирга ўнлаб истеъдодли ёшларни кўриб турганимдан хурсандиман. Бу — Фарғона заминидан авлодлар ўрнатгани аниёналар давом этаётганидан далолатдир. Бугун уларнинг санъатидан баҳраманд бўлиш ҳам биз учун катта байрамдир.

Чиндан ҳам, бизнинг қандай буюк санъатимиз, ўзининг маҳорат мактабига эга бўлган санъаткорларимиз бор!

Шу ўринда сизларга бир янгиликни етказмоқчиман.

Биз санъат аҳлининг меҳнати ва истеъдодли қадрлаш, ижодий асарларини келажак авлодларга етказиш буйича катта ишларни режа қилаямиз. Элимиз суйган машҳур ҳофизимиз Шерали Жўраев, Ўзбек эстрада санъати юлдузи Фаруҳ Зокировнинг алоҳида мактабларини ташкил этдик. Ушбу аниёналар давом эттириб, фарғоналик устоз санъаткорларнинг ҳам маҳорат мактабларини очамиз.

Бундан ташқари, маънавият ва маърифат, маданият ва санъат вакиллари билан катта мулоқот ўтказамиз. Ушбу мулоқотда соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча шароитлар яратиш буйича янги ташаббусларни илгари сураамиз.

Азиз дўстлар!

Халқимизда “Тўйга тўёна билан” деган яхши гап бор. Фарғонага бу сафар ҳам янги-янги ташаббуслар, катта-катта лойиҳалар билан келишим. Мақсад — вилоят ривожини янги босқичга олиб чиқиш, уни барча соҳаларда намунали ҳудудга айлантиришдан иборат. Бугун очилаётган “Бурҳониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм мажмуаси шу йўлда, ҳеч шубҳасиз, янги даврни бошлаб беради.

Миллий меъморчилик аниёналари асосида бунёд этилган, 35 гектар майдонини эгаллаган бетакрор мажмуа Ислон ҳуқуқшунослиги институти, мақом театри, оқич амфитеатр, ўлкашунослик музейи, адиб ва санъаткорлар хиббони, хунармандлар маркази, меҳмонхона ва сервис шохобчалари сингари қўллаб бино ва иншоотларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси, аввало, Марғиноний бобомизнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, ҳудуднинг қадимий хунармандчилик аниёналарини асраб-авайлаш, зиёрат туризмни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ишончим комил, Янги Ўзбекистон мўъжизалари қаторидан муносиб ўрин эгаллайдиган бу муҳташам обида Фарғона вилоятининг ташриф қозғаларидан бирига айланади.

Бугун биз орзу қилаётган янги Бухорий, Термизий, Фарғоний, Хоразмий ва Марғинонийлар авлоди қардан етишиб чиқади! Албатта, улар мана шундай маърифат, илм ва зиё масканларида тарбия топади.

Шу маънода, сизлар билан бирга келажакка хизмат қиладиган жуда катта эзу ишчи амалга оширидик, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Биз ушбу мажмуани айнан Марғилон шаҳрида барпо этганимиз замирида жуда чуқур тарихий ва ҳаётий ҳақиқат мужассам. Бу табарруқ шаҳар қўллаб илм ва маърифат эгаларини вожа етказган. Тарихий манбаларда айтилишича, мазкур қутлуг маскан “Маърифат аҳлининг ватани” деган юксак шарафга сазовор бўлган.

Биз ана шундай қудратли маънавий меросимизга таяниб, Марғилон, бутун Фарғона тарихининг шон-шараф китобига янги саҳифалар битмоқдамиз. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди.

Фурсатдан фойдаланиб, мажмуани барпо этишда иштирок этган олим ва лойиҳачиларга, муҳандис ва қувувчиларга, ишчи ва хизматчиларга, ушбу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча соҳаватли инсонларга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Эзу ишларимизда буюк аждодларимизнинг руҳлари ҳамisha қўллаб-қувватласин!

Янги Ўзбекистон, Янги Фарғона равнақи ва шухрати янада зиёда бўлсин!

## “ЛАЗГИ” III ХАЛҚАРО РАҚС ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли фестиваль қатнашчилари! Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар, санъат мухлислари!

Сиз, азизларни Жайхун соҳилида, Шарқ гавҳари бўлими кўҳна Хива шаҳрида ўтказилаётган мусиқа ва санъат байрами — “Лазги” III халқаро рақс фестивалининг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, ЮНЕСКО, ТУРКСОЙ каби нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатларнинг мухтарам элчиларига, таниқли санъат арбоблари, олим ва мутахассисларга, барча иштирокчиларга ўзининг чуқур ҳурматини изҳор этаман.

Ушбу анжуманга мезбонлик қилаётган қадимий ва бетакрор Хоразм аҳлини алоҳида қутлаб, эзу тилакларини билдираман.

Мана шундай шуқуҳли баҳор кунларида, боқий ва безовул “Лазги” садолари остида ўтаётган бу гўзал байрам барчамизга муборак бўлсин!

Қадри анжуман иштирокчилари! Уч минг йилдан зиёд шонли тарих ва маданиятга эга бўлган халқимиз қай-бини, унинг нафис туйғуларини ҳайратланарли даражада нозик ҳаракатлар орқали ифода этадиган ноёб санъат дурдонаси — “Лазги” номи билан аталадиган халқаро рақс фестивали турли эзу элатлар ўртасида самарали маданий мулоқот майдонига айланиб бораётгани барчамизни албатта хурсанд қилади.

“Лазги” эзулик ва гўзаллик, тинчлик ва дўстлик гоъларини асрлар давомида тараннум этиб келаятган, Хиванинг музаам миноралари каби юксаклик ва улғуворлик тимсоли бўлган мумтоз мусиқий обиддир.

Айнан ана шундай беназир хусусиятларига кўра, мазкур ноҳир асар 2019 йилда ЮНЕСКОнинг Инсоният номодий маданий мероси рўйхатидан муносиб жой эгаллади ва халқаро миқёсда тобора юксак қадр-қиммат касб этиб бормоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Миллий балеи туруҳи томонидан “Лазги,

Мухаббат ва қалб рақси” балеи жаҳондаги нуфузли сахналарда муваффақиятли намойиш этиб келинаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ҳозирги вақтда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъат ривожига устувор аҳамият берилмоқда. Хусусан, миллий рақс санъатини юксалтириш, соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш борисида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, хореография соҳасида замонавий таълим тизими йўлга қўйилгани, машҳур “Баҳор” ансамбли фаолияти қайта тиклангани, “Лазги” ансамбли ва бошқа ижодий жамоалар қўллаб-қувватланяётганини таъкидлаш лозим.

“Лазги” халқаро рақс фестивали мамлакатимизнинг маданий дипломатиясига муҳим ўрин тутадиган стратегик платформадир. Ушбу анжуман халқаро маданий бренд сифатида шаклланиб, унинг географияси ва иштирокчиларининг сони йил сайин ортиб бораётгани, бугунги фестивалда дунёнинг ўнлаб мамлакатлардан юзлаб санъаткорлар, рақс жамоалари, олим ва экспертлар иштирок этаётгани диққатга сазовордир.

Биз ёшлар ўртасида мумтоз санъатимизга қизиқишни янада ошириш, уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда “Лазги” рақсидан маҳорат ва таъриба мактаби сифатида фойдаланиш давом эттираман.

Ана шундай эзу мақсадларга хизмат қилаётган халқаро фестивалнинг нуфузи келгусида янада юксалиб, у жаҳон маданий ҳаётида муносиб ўрин эгаллайди деб ишонаман.

Сизларни бугунги санъат ва маданият байрами билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, санъат оламида янги ютуқ ва зафарлар, анжуман ишига эса муваффақиятлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

# ОЛТИН ВОДИЙ ЮРАГИДА ЖЎШ УРАЁТГАН ҲАЁТ НАФАСИ

## Бошланиши 1-бетда

Президентимиз шу ернинг ўзида “Янги Ўзбекистон” массивининг иккинчи босқичи ва Кўқон шаҳрини ривожлантириш бўйича тақдимот билан танишди.

Халқимиз азалдан янги йўл қуриш, инсонлар узогини яқин, оғирини енгил қилишни энг эзгу амал деб билган. Юртимиздаги ўзгаришлар янги массив бунёдкорлигига ўхшайди. Массив замонвий талаблардан келиб чиқиб, миллий меъморчилик асосида лойиҳалаштирилган. Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳам қадим қадриятлар асосида, давр нафасига мос шаклда кечяпти. Водий вилоятларини ўзаро боғловчи янги йўналиш бўйича қатновга қўйилган электропоезд ҳам фикримиз тасдиғидир.

Президентимиз ташрифига чоғида халқимиз учун яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Фаргона водийсида Кўқон, Наманган, Андижон ва Марғилон шаҳарларини боғлайдиган янги электропоезд қатнови йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз етакчиси жамоатчилик вакиллари билан бирга янги йўналишдаги поездда Кўқондан Марғилонга борди.

Заводда оддий сой тошдан юқори кўшилган қийматли маҳсулот тайёрланмоқда. Дала шпати ишлаб чиқариш, каолин тарқибидидаги кўмирни тозалаш жараёнлари йўлга қўйилган. Бу юқори сифатли керамик гранит ишлаб чиқаришида жуда муҳим.

Жараён тўлиқ рақамлаштирилган. Корхонада энергия тежамкор ускуналар ўрнатилган. Замонавий технологиялар ҳисобига хомашё тайёрлашда электр энергияси сарфи 20 фоизгача камайган. Кундузги иш жараёнида табиий ёруғликдан фойдаланилади. Заводларга замонвий чанг ютиш мосламалари ва филтёрлар ўрнатилган. Янги экологик талабларга жавоб беради. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда тўпланган ёмғир сувидан фойдаланилади. Ишлатилган сув ёпик занжир асосида тозаланиб, ишлаб чиқаришга қайта йўналтирилади.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган керамик плиталар сифати ва техник кўрсаткичлари бўйича Италия, Испания ва Хитой маҳсулотлари билан рақобатлаша олади. Жорий йил январь-март ойларида корхона Қирғизистон ва Тожикистонга 400 минг долларлик 80 минг квадрат метр маҳсулот етказиб берди.

хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш имкониятига эга.

Корхона Италия, Испания, Германия ва Хитойдан келтирилган замонвий технологиялар асосида жиҳозланган. Шунингдек, Global GAP, ISO 22000, Halal ва HACCP каби халқаро сертификатлар маҳсулот сифати ва миллий брендга ишончни мустақамлашга хизмат қилмоқда. Бу ўз навбатида, тайёр маҳсулотни экспорт қилиш имкониятини кенгайтиради. Шу орқали туман, вилоят иқтисодий барқарорлигига муносиб ҳисса қўшади.

Мажмуа тумандаги 33 маҳаллада жойлашган 3000 та хонадан ва 1000 та деҳқон хўжалиги билан кооперация асосида фаолият юритади. Бу юзлаб инсонлар учун иш ўрни, доимий даромад дегани. Шунингдек, аҳолига 10 сотих ердан ўртача 250 миллион сўм даромад қилиш амалиёти ўргатишмоқда. Кўрилатган натижа ҳам шунга яраша салмоқли. Хусусан, 2025 йилда Япония ва Жанубий Корея каби янги бозорлар сари йўл очилди. Жорий йилда эса 25 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Шу ернинг ўзида аҳолига томоққадан самарали фойдаланишни ўргатиш ва маҳалаларни чуқур иқтисодлаштириш борасида бажарилаётган ишлар тақдироти ўтказилди. Томорқа шунчаки қўшимча даромад манбаи эмас, балки оилавий тадбиркорликнинг самарали йўналишига айланиши муҳим экани таъкидланди. Аҳолига уруғ танлаш, агро-техник тадбирларни тўғри бажариш, сифатли ҳосил олиш, маҳсулотни бозор талабига мос ҳолда тайёрлаш ва экспорт стандартларига мувофиқ қадоқлаш бўйича амалий кўникмалар бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари “Кува Агростар” эришган натижаларни юқори баҳолаб, ердан самарали фойдаланиш, маҳсулотни чуқур қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш орқали юқори кўшилган қиймат яратиш, энг муҳими, деҳқон ва томоққа эгалари даромадининг сезиларли даражада ошириш муҳим эканини таъкидлади. Шу мақсадда Фарғона вилоятида 50 минг гектар ерда таъриба тариқасида илгор агротехнологияларга асосланган қишлоқ хўжалиги тизими жорий этилиши белгиланди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишда улкан марра олинган. Бунга пухта режа асосидаги аниқ, манзилли ишлар орқали эришиш мумкин. Шу боис, мамлакатимиздаги ҳар бир ислохот билим ва замонвий технологиялар асосига қурилмоқда. Зеро,

Экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида Қозғистон, Россия ва Европа давлатлари билан шартномалар имзоланган чоралари кўрилувчи.

Корхонада ҳозир импорт қилинадиган глазурь маҳсулотларини маҳаллийлаштириш бўйича илмий-амалий ишлар ҳам бажариламоқда. Қиймати 20 миллион доллар бўлган, йилга 50 минг тонна глазурь ишлаб чиқариш қувватига эга янги лойиҳа 2026 йил сентябрда ишга туширилади. Натижада яна 100 та иш ўрни очилиши, қўшимча 10 миллион долларлик маҳсулот



экспорт қилиниши, сирланган маҳсулотларга эҳтиёжининг 85 фоизини корхонанинг ички имкониятлари ҳисобидан қоплаш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сақлаш жараёнлари, жорий этилган технологиялар ҳамда экспорт режалари билан танишди. Бундай қўшма корхоналар маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш, юқори кўшилган қиймат яратиш орқали ҳудуд иқтисодиётига эга экани таъкидланди.

Мамлакатимиз етакчиси навбатдаги манзилда “Кува Агростар” корхонаси фаолияти билан танишди.

Юртимизда агротармоқ имкониятларидан тўлақонли фойдаланишга катта эътибор берилляпти. Бу маҳсулот етиштириш билан бирга қўшилган қиймат яратиш, экспортни кўпайтиришга ҳам кўл келмоқда. Бошланган ишлар тўғрисида деҳқонлар ҳам илмий ёндашув асосида ишлаб бошладилар. Қисқаси, деҳқончилик ҳам билим, кўникма ва изланишлар маҳсулот эканини аниқлаб етди. Президентимиз қарорига мувофиқ, 21 туманда иқтисодлашган агромажмуалар ташкил этилди. Ушбу тизим агротармоқда янги даврни бошлаб берди. Тизим ернинг ҳолатини илмий таҳлил қилиб, уруғ қадашдан маҳсулотни экспорт қилишга бўлган жараёни қамраб олади. Муҳими, жараён тўлиқ замонвий билим ва кўникмалар асосига қурилган. Хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш имконияти ҳам бор.

“Кува Агростар” замонвий корхонасида 12 турдаги маҳсулот кооперация асосида етиштирилади. У экшдан бошлаб, саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга бўлган тўлиқ занжирни қамраб олувчи замонвий агромажмуалар. Хусусан, ушбу агрокомплекс йилга 5000 тонна қишлоқ

барча даврларда билим нажот кемаси бўлган. Бу ўзгармас қонда асримишга келиб, янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Кува туманидаги агровольтаика усулида ташкил этилган узумчилик боғи, чорвачилик ҳамда баллиқчилик комплекси айнан шундай талабларга жавоб берадиган лойиҳалардан. Навбатдаги манзил маъмур қишлоқ хўжалиги мажмуаси бўлди. Президентимизнинг “Саноатлашган боғ ва тоқзорларни барпо қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ барпо этилган мажмуа қишлоқ шароитида минимал харажат қилиб, юқори фойда олиш имконини беради. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда агровольтаика йўналишида 10 гига-ваттгача қувват яратиш салоҳияти мавжуд.

Ҳудудда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда икки босқичли сув тежовчи технологиялар ўрнатилган. Шу жиҳатдан у мамлакатимиздаги илк агромажмуадир. Интенсив боғдорчилик, чорвачилик ва баллиқчиликни қамраб олган комплекс 110 гектар майдонда ташкил этилган.

Бу ерда кўш панеллари нафақат электр билан таъминланади, балки экан учун соя ва-зифасини ҳам ўтайди. Шу орқали ўсимликлар илдири атрофидаги намликни сақлайди. Бу, ўз навбатида, сув тежамкорлигига хизмат қилади. Ушбу ажойиб занжир халқаси ҳароратни метёрада ушлаб туриш орқали кўш панелларнинг барқарор ишлашини таъминлайди.

Мажмуада сув тежамкорлигига қаратилган илгор технологиялар ҳам жорий этилган. Жумладан, Австриянинг “Вауер” компанияси технологияси асосида ёмғирлатиб сугориш тизими йўлга қўйилган. Шу тариқа сув экан майдонига бир метёрада қўйилган. Тупроқ намлиги сақланиб, сув орқали берилган ўғитнинг ҳам самарадорлиги ошди. Бу, ўз навбатида, ҳосилдорликни ижобий таъсир қилади.

Маъмур технология аввал республикадаги фермер хўжаликларидан синовдан ўтказилган. Натижада сув сарфи 40, ўғит сарфи 35, кўл меҳнати 90 фоизга камайиши кузатилган. Ҳосилдорлик эса 25 фоиз ошган.

Ўн мингта қўш панели ўрнатилган мажмуадаги яна бир қўлай жиҳат чорвачиликда ўз аксини топган. Янги қорамоллар қўш панеллари восидида дам олади. Боғ орасидаги ўт-ўланлар озикланиб, ер учун табиий ўғит беради. Шу тариқа бир-бирини тўлдирадиган ўзига хос занжир ҳосил бўлган. Ушбу халқа кам харажат эвазига кўпроқ фойда олиш имкониятини яратяди.

Агромажмуада узуминг экспортбоп “Аватар” нави экшлан, эшдор қорамол ва қўйлар олиб келинган. Шунингдек, интенсив усулда баллиқ етиштириш йўлга қўйилган. Лойиҳа натижасида 100 та оиланинг даромади оширилиб, 350 кишининг бандлиги таъминланди.

Энди нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа учун ноёб ушбу тажрибани республиканинг 13 ҳудудида 2000 гектар майдонда оммалаштириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мажмуа фаолияти билан танишар экан, агротармолар ёрдамида экшларни дориллаш ва мониторинг қилиш ишларини ҳам кўздан кечирди.

Туризм — иқтисодий драйвери. Янги Ўзбекистонда сайёҳликни ривожлантиришга кенг имконият яратилмоқда. Йиллар давомида фойдаланилмай, самарасиз ва қаровисиз ётган жойлар иқтисодий қувватга айлантирилляпти. Натижада аҳоли бандлиги таъминланиб, инфратузилмалар янгиланмоқда. Фарғона вилоятидаги “Каркидон” сув омбори фикримиз тасдиғидир. Мазкур сув омбори ҳудудида янги экутуризм мажмуаси барпо этилди.

Президентимиз ҳудудда яратилган шароитлар билан танишар экан, бундай лойиҳалар аҳоли фаровонлиги, ҳудуд иқтисодиёти ва мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Туризм мамлакатни дунёга танитиш, янги иш ўринлари очиб ва хизматлар экспортини кенгайтиришнинг самарали йўналишларидан бири экани қайд этилди.

Бу ҳудуд водийда ёзги дам олиш ва экутуризм учун энг жозибдор манзиллардан бирига айланиши кутилмоқда. Ҳудуд салоҳиятидан самарали фойдаланиб, ушбу манзилли туристик хабга айлантириш мақсад қилинган. Ҳозир “Каркидон” сув омбори ҳудудида қиймати 635 миллиард сўмлик замонвий туризм мажмуаси шаклланди. Ҳудудда йўл инфратузилмаси яхшиланиб, ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Мажмуа агро, экстремал ва экутуризмларни ўзида жамлаган комплекс бўлади.

Ушбу ҳудуд аввал яйдоқ дала, чўлини эслатадиган қир ва текисликлардан иборат эди. Қизил, сув соҳили бўлган бу кенгликда даррах ҳам, ўсимликлар ҳам унмасди. Ҳозир томчилик сугориш тизими яратилиб, атроф кўкаламзорлаштирилмоқда. 508 гектардаги мажмуада 45 та шале ва 57 та замонавий меҳмон уйлари қурилган. Бундан ташқари, агротуризм мажмуаси, гулзор, лавандазор, экобозор, сокин ҳудуд ва ресторонолар ташкил қилинган. Келгусида ҳудудда мотокросс, 2 километрли дор йўли, картинг ва гольф майдонлари ташкил этилади.

Ҳудудда юздан ортқ тадбиркорлик субъекти ташкил этилади. Натижада 2000 га яқин иш ўрни очилади. Йилга 750 минг сайёҳни қабул қилиш эвазига 3 миллиард сўмлик бюджет тушуми ва 5 миллион долларлик хизматлар экспорти таъминлиниши кутилмоқда. Лойиҳа 2027 йилда тўлиқ қувватда ишга туширилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари янги меҳмонхона ва савдо мажмуалари фаолияти билан ҳам танишди. Шу ернинг ўзида сайёҳлик соҳасида

Мамлакат тараққиётида инсон капитали доим устувор аҳамият касб этган. Чунки келажакни пухта билим ва даврининг энг илгор касб эгалари қафолатлади. Бу инсоният тарихидаги ҳеч ўзгармас қондадир. Айни сабаб тўғрисида юртимизда профессионал таълим тизими ислохот қилинмоқда. Айниқса, ҳудудлардаги техникумларни амалий билим, инновация ва тадбиркорлик марказларига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Кува туманидаги техникум фаолияти ҳам мазкур ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Техникум биносида замонвий касбларга ўқитиш ва стартапларни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилган. Хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда немис ва хитой тилларини ўқитиш билан бирга логистика, қишлоқ хўжалигида дроноларни бошқариш, “ақлли” ирригация, қўш панелларини ўрнатиш ва таъмирлаш каби замонвий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрланади. Бундан ташқари, дуал таълим тизими жорий этилиб, 550 ўқувчи назарий билимларини бевосита амалиёт билан боғлаган ҳолда ўзлаштирилмоқда.

Стартап марказида ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда. Бу ерда робототехника, СММ, мобилография, дизайн каби талаб юқори йўналишлар бўйича ҳам ўқув курслари очилган.

Лойиҳа доирасида 200 та янги иш ўрни яратилади. Ушбу тажрибани республикадаги яна 10 та қишлоқ хўжалиги техникумида жорий этиш режалаштирилган.

Президентимиз касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди. Шундан сўнг мамлакатимиз етакчиси Марғилон шаҳридаги “Бурхониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуасида барпо этилган маданият ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари билан танишди.

Бутун мамлакатимизда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Фарғона вилоятида ҳам бу борадиги янгиланишлар таҳсинга сазовор. Буни кейинги йилларда юртимизга хориждан келаятган сайёҳлар нуфуси ошиб бораётганида ҳам қўриш мумкин.

Президентимизнинг 2025 йил 1 апрелдаги қарори билан қадим кентда “Бурхониддин Марғинович” мажмуаси барпо этилди. Ушбу мажмуада миллий меъморчилик аъёналари, Марғилон тарихи аср эртак. Айни пайтда бунёдкорлик ишларида сайёҳликнинг талаблари ҳам ҳисобга олинган. Қадим шаҳар ичидаги ушбу мўъжаз шаҳарча 35 гектар майдонни эгаллаган. Мажмуада сайёҳлар учун барча қўлайликлар яратилмоқда. Бу ерда меҳмонхона, қарвонсарой, савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари, хунармандлар маркази, миллий бозор ва музейлар қуриб битказилган.

Мажмуанинг асосий йўналишларидан бири эса буюк аллома Бурхониддин Марғиновичнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишдир. Қолаверса, шаҳарчада қадимий хунармандчилик аъёналарини сақлаш, зиёрат ва маданий туризмни ривожлантириш кўзда тутилган.

Фарғона, Марғилон деганда, “Ўткан кунлар” романини, Отабек ва Кумуш уйи” музейи ташкил этилган. Унинг деворларида “Ўткан кунлар” романи саҳналари жонлантириб, адабиёт ва тарихни уйғунлаштириган ноёб муҳит яратилган. Шунингдек, мақом театри, шoir ва россомлар хиебони ҳамда кутубхона жой олган.

Қиймати 1,7 триллион сўм бўлган лойиҳанинг бош режаси Туркиянинг “Studio Vertebra” компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Мажмуа икки босқичда барпо этилади. Бу ерда бизнес марказ, 1500 ўринли масжид, меҳмон-

бюджетта 52 миллиард сўм тушум ва 30 миллион долларлик хизматлар экспорти таъминланади.

Эътиборлиси, “Бурхониддин Марғинович” мажмуаси таърибисини Бурхониддин “Боқий Бухоро”, Самарқанддаги Имом Мотуриддин мақбараси атрофи, Қўқондаги Ўрда, Намангандаги “Ахсикент” ёдроллиги ҳамда Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудларида ҳам кенг жорий этиш режалаштирилган.

Ушбу мажмуанинг тантанали очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизга самимий табрик ва эзгу тилакларини йўллади. Фарғона аҳлини ушбу тарихий воқеа билан самимий табриклаб, мажмуа нафақат Марғилон, балки бутун водий маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Жумладан, кейинги йилларда вилоятни 2030 йилгача иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастури изчил амалга оширилмоқда. Қўқонда аэропорт қайта тикланди, Марғилон ва бошқа шаҳар-туманларда замонвий ишлаб чиқариш корхоналари, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, АТ-парклар, “Янги Ўзбекистон” турар жой массивлари барпо этилмоқда. Бу ишлар аҳоли учун қўлай меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, инсон қадрини улуғлаш ва ҳудудларга Янги Ўзбекистон руҳини олиб киришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Фарғона вилояти сўнгги йилларда нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсдаги йирик тадбирларга ҳам меъзолилик қилаётганини таъкидлади. Қўқонда халқаро хунармандчилик фестивали, Риштонда кулчилик анжумани ўтказилиши яхши аънаънага айланган. Марказий Осиё мамлакатларининг ҳудудларро ҳамкорлик форумлари ҳам Фарғонада муваффақиятли ташкил этилмоқда.

Сўнгги йилларда миллий меъморчилик ечимлари асосида тарихий ва замонвий аъёналарни уйғунлаштирган йирик туризм мажмуалари барпо этилмоқда. Самарқандда “Буюк ипак йўли” ва Имом Бухорий мажмуалари, Хоразмда “Арда Хива” халқаро туризм маркази ишга туширилди. Тошкентда очилган Искон цивилизацияси маркази ҳам бу борода улкан қадам бўлди.

Ушбу марказ экспозициясида Фарғона тарихига алоҳида ўрин ажратилган, тўрт йирик порталдан бири Қўқон портали деб аталган, Биринчи Ренессансинг буюк наъмондалари — Аҳмад Фарғоний ва Бурхониддин Марғинович мероси атрофида ёритилиши қайд этилди.

Туризм инфратузилмасини ривожлантириш ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонга 3 миллионга яқин хорижий сайёҳ ташриф буюрди, туризм экспорти 1,1 миллиард доллардан ошди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона заминининг бой маънавий ва маданий меросига алоҳида тўхтади. Ҳудуддан етишиб чиққан олим ва ишкорлар халқимиз маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшгани таъкидланди.

Ўзбек санъати ва маданияти равнақиغا Юсуфжон қизик Шакаржон, Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қорёқубов, Тамирхонов, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғонбоева, Жўраҳон Султонов, Маъмурро Узоқов каби улуг санъаткорлар беқиёс ҳисса қўшгани қайд этилди.

Президентимиз санъат аҳлининг меҳнати ва истеъдодини қадрлаш, уларнинг ижодий меросини келажак авлодларга етказиш борасида катта ишлар режалаштирилатганини билдирди. Шерали Жўраев ва Фаррух Зокиров мактаблари ташкил этилган, келгусида фарғоналик устоз санъаткорларнинг ҳам маҳорат мактаблари очилиши маълум қилинди.

Мамлакатимиз етакчиси “Бурхониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуаси Фарғона ривожига янги даврни бошлаб беришини қайд этди. Бу муҳташам обида Янги Ўзбекистон мўъжизалари қаторидан муносиб ўрин эгаллаб, Фарғона вилоятининг ташриф қўғозларидан бирига айланишига ишонч билдирди.

— Биз ушбу мажмуани айнан Марғилон шаҳрида барпо этганимиз замирида жуда чуқур тарихий ва ҳаётини ҳақиқат муҳассас. Бу табаррук шаҳар кўплаб илм ва маърифат эгаларини воғга етказган. Тарихий манбаларда айтилишича, мазкур кутул маскан “Маърифат аҳлининг ватани” деган юксак шарафга сазовор бўлган.

Биз ана шундай қудратли маънавий меросимизга таяниб, Марғилон, бутун Фарғона тарихининг шон-шараф китобига янги саҳифалар битмоқдамиз. Бу билан ҳар қанча фархлансак, гуруллансак арзийди, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари мажмуани бунёд этишда иштирок этган олим ва лойиҳачилар, муҳандис ва курувчилар, ишчи-хизматчилар ҳамда ушбу эзгу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик билдирди.

Маросим катта концерт дастури билан ҳамда энти. Фольклор-этнографик жамоалар ҳамда санъаткорларнинг чиқишлари, миллий ўйин ва аскиялар барчага завқ-шавқ улашди.

Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифий давом этилмоқда.

**Бобуровна ҒОЗИДИНОВА, Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбирлари**



истиқболда амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимот қилинди. Жумладан, Ташкўйир туманида Қоратерен кўли, Хонобод туманида сунъий кўл, Хатирчи туманида Кўксарой сув омбори, Поп туманида Аршан кўли, Нуробод туманида Собирсой ва Каттакўрғон туманидаги Каттакўрғон сув омборлари атрофида ҳам йирик туризм мажмуалари барпо этилади.

Президентимиз Кува туманидаги 1-техникумда ёшларни замонвий касблар ва хорижий тилларга ўқитиш ишлари билан танишди.

хоналар, 400 та савдо ва хизмат кўрсатиш нуқтаси, 300 ўринли бозор ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари мажмуа бўйлаб юриб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Хунармандчилик, бадий ва амалий санъат кўргазмалари, бозор расталари билан танишди. Жамоатчилик вакиллари билан самимий суҳбат қурди.

Мажмуа тўлиқ ишга тушгач, вилоятга йилга ўртача 200-250 минг нафар хорижий сайёҳ жалб этилиши кутилмоқда. Натижада 2 мингта иш ўрни яратилади. Бунинг эвазига

# ЯНГИЛАНИШЛАРДАН ҚУВВАТ, ҚАДИМ ҚАДРИЯТЛАРДАН УЛГУ ОЛИБ ЮКСАЛАЁТГАН ШАҲАР

## Шукуҳ

Шундай масрур туйғулар борки, уларни сўз билан ифодалаш мушкул. Зеро, у Фарғона ипагидай нозик, Марғилон матоси каби ҳарир, шу заминнинг мард ва танти инсонларидай дилга яқин бўлади.



“Инсон ҳаётидан рози эканини доим ҳам сўз билан изҳор қилавермайди. Чунки яхши туйғуларимизни баён этишга кўпинча қийналамиз. Наридан бора, “Хурсандман-да”, деймиз овозимизни баралла кўйиб. Лекин бу қувончнинг аниқ тасвири йўқ дегани эмас. Инсон хурсандчилигини унинг нигоҳидан, биргина қарашидан билиб олиш мумкин.”

Мамлакатимиз етакчисининг Марғилон шаҳрига ташрифи фарғоналиклар қалбида ана шундай масрур туйғуларни уйғотди. Уларнинг шодиёнаси, қувончи бутун мамлакат бўйлаб кенг қўлоқ ёзди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, давлатимиз раҳбарининг галдаги ташрифи Фарғона вилоятининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида ислохотларнинг янги даврини бошлаб берди. Буни янги очилган туризм мажмуаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Марғилон шаҳридаги “Бурҳониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм мажмуаси эртанги кунда айрилиб, китобларда ёзилган афсонавий шаҳарни ёдга солади. Унинг тантанали очилиш маросимида йиғилганлар қалбиди фахри бола қалбидай тоза нигоҳлардан пайқаб олиш мушкул эмас. Катта издиҳомга, бўлажак концерт томошасига кираётганлар навбат билан кўрган-кечирганлари ҳақида сўзлайди. “Оттабек ва Қумуш уйи” музейини кўрдингизми? “Ҳа, эшикдан ичкарига ҳатлашингиз ҳамон “Ўткан кунлар”га тушиб қолгандай бўласиз”. “Ўзиам ҳар бир нақшигача эътибор бериб, жуда зўр қилиб куриштирд. Энди дуненинг тўрт томонидан туристлар оқиб келаверади-да”.

Ҳап-рагга уланиб, мажмуа худудидаги амфитеатрга қандай кириб қолганимизни сезмаймиз. Катта издиҳомда кишини ўзи-га хос салоҳат босади. Мажмуанинг тантанали очилиш маросимида Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлар экан, йиғилганлар қувончи ва ҳаяжон ила бир-бирига кўз ташлайди. Бу қарашда “Эшитяпсизми, Фарғонамиз янада гуллаб, тараққий этади” деган маъно муҳасам.

Марғилон шаҳрига берилган улуг мақом — “Маърифат аҳлининг ватани” ибораси ҳақида тўхталиб ўтсак. Бу кўҳна кент азалдан хунармандлар, илм-маърифат соҳибларининг ватани бўлиб келган. Юртимиздаги қадим тамаддунлардан бири айнан

шу ерда шакланган. Буни исботлашнинг жуда оддий йўли бор. Яъни шаҳарда қадимдан хунармандлик ривожланган. Масалан, биргина ироқи дўппининг нақшлари нафақат бадиий диднинг юксак намунаси, балки

ўзида рамзларни жамлаган маданий мерос ҳамдир. Бундай дурдонага асос солиш учун жамиятда илм-маърифат юксак даражага чиқиши, жамиятда тинчлик, аҳиллик ҳукми суриши, халқ фаровон яшаши керак бўлади.

Бугун Марғилоннинг ана шу қадимий қувват, илмий ва маърифий қудрати қайта тикланмоқда. Бунга, албатта, юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар сабаб. Негаки, мамлакат аввал иқтисодий юксалишга юз тутди. Сўнг жамиятда маданий-маърифий

юксалиш янада жадаллашади. Шу маънода, “Бурҳониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиш маросими катта тантананага айлангани бежиз эмас. Янги Ўзбекистон нафаси сабаб Марғилондай шаҳарнинг қадимий қудрати қайта уйғона бошлади. Фарғоналиклар буни теран ҳис этиб, мажмуа очилишини катта тантана билан қарши олди. Янгилашилларни ўз ҳаёти мисолида кўриб, эртанги кунга ишонч билан яшаётган инсонларга бундай байрамлар, албатта, ярашади.

Юқори савияда ташкил этилган концерт дастури чоғида халқимиз ягона ватан бўлиб бирлашаётганига яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Тантана давомида фольклор-этнографик жамоалар, санъаткорлар ва истеъдодли ижрочилар чиқиш қилди. Юртимизнинг турли ҳудудларига хос сурхонча, бухороча ва қорақалпоқча рақслар намойиш этилди. Фарғоналиклар ушбу чиқишларнинг барчасини кўтаринки кайфият, байрамона шукуҳ билан қарши олди.

Инсон ҳаётидан рози эканини доим ҳам сўз билан изҳор қилавермайди. Чунки яхши туйғуларимизни баён этишга кўпинча қийналамиз. Наридан бора, “Хурсандман-да”, деймиз овозимизни баралла кўйиб. Лекин бу қувончнинг аниқ тасвири йўқ дегани эмас. Инсон хурсандчилигини унинг нигоҳидан, биргина қарашидан билиб олиш мумкин. Афсонавий шаҳарчининг очилиш маросимида водий аҳлининг юз-кўзида ана шундай секин, ҳаётдан розилик ифодалари акс этди.

Тан олиш керак, иқтисоди мустаҳкам бўлган жамиятлар билим олишга, хунар ўрганиб, янги имкониятлар эшигини очишга кўпроқ рағбат сезади. Сўнгги йилларда миллий меъморчилик ечимлари асосида, тарихий ва замонавий анъаналарни уйғунлаштирган йирик турizm мажмуалари барпо этилмоқда. Самарқандда “Буёқ ипак йўли” ва Имом Бухорий мажмуалари, Хоразмда “Арда Хива” халқаро туризм маркази ишга туширилди. Тошкентда очилган Ислом цивилизацияси маркази ҳам бу борада улкан қадам бўлди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда бошланган янгилашиллар жараёни тўғри ва изчил давом этаётганидан далолат. Эътиборлиси, ушбу мажмуалар нафақат маданий марказ, балки сайёҳлик ривожига ҳисса қўшадиган иқтисодий қувват ҳам ҳисобланади. Тарих зарурагига катта ҳарфлар билан битилган ушбу кунни водий аҳли катта шодиёна билан қарши олгани ҳам бежиз эмас. Ахир бундай янгилашиллар мамлакат эртасига қафолат, келажак авлоднинг бахтли ҳаёти учун раван йўл солинаётганидан далолатдир. Бундай сабаб эса барчага бирдек қувонч улашиши табиий.

“Бурҳониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг тантанали очилиш маросими сўнггида Марғилон осмонини ранг-баранг ва ёрқин мушаклар ёритди. Улар мард ва танти, меҳмондўст ва ҳаётсевар фарғоналикларнинг қувончи, ёрқин оруз ва интилишларининг тимсоли сифатида намоён бўлди.

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## Нуқтаи назар

# ДАСТЛАБКИ ҲИСОБ-КИТОБЛАР — ПИРОВАРД НАТИЖА ПОЙДЕВОРИ

Дунёда кечаётган кескинлик ва ноаниқликлар, давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ҳамда логистика соҳасидаги узилтишлар мамлакатларнинг ташқи савдо алоқалари ва иқтисодий муносабатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, транспорт йўлақлари муаммолари туфайли ташиш билан боғлиқ харажатларнинг ошиб кетиши мамлакатлар истеъмол бозоридаги товарлар нархига ҳам таъсир қилди. Бу каби муаммолар нафақат ўзаро зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар мавжуд мамлакатлар, балки бошқа давлатлар иқтисодиётида ҳам сезилмоқда.



Эркин ГАДОЕВ,  
Олий Мажлис Сенатининг  
Бюджет ва иқтисодий масалалар  
қўмитаси раиси

эришилган натижаларни танқидий таҳлил қилиб, йилни муваффақиятли якунлаш бўйича вазифаларни белгилаб берди. Жорий йилнинг биринчи чораги якуни бўйича мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,7 фоизга таъминланган. ЯИМ

ўсишида иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидаги ижобий натижалар самара берган. Жумладан, sanoat тармоқлари 8, хизмат кўрсатиши 16,1, қишлоқ хўжалиги 5,1 фоиз ўсган.

Мамлакатимиздаги қўлай инвестициявий муҳит туфайли хорижий инвестициялар ҳажми 13,7 миллиард долларга етди. Шунингдек, экспортни давлат қўллаб-қувватлаши туфайли 2026 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз экспорт салоҳияти 5,8 миллиард долларни ташкил қилди.

Эътиборлиси, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида белгилаб берилган вазифалар натижасида инфляция йиллик ҳисобда биринчи марта 7,1 фоизгача пасайди. Президентимиз эришилган кўрсаткичлар хусусида тўхталиб, жумладан, бундай деди: “Жорий йил мамлакатимиз нуфузли “Иқтисодий эркинлик индекси” да 14 поғона юқорилаб, илк бор “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олди”.

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар туфайли эришилган ижобий натижалар, айниқса, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг юқори даражада ўсишига



эришилган давлат бюджети даромадини шаклланишига самарали таъсир кўрсатди. Хусусан, 2026 йил январь – март ойларида давлат бюджети даромади ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоиз кўпайиб, 103 триллион сўмга етди.

Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини таъминлаш учун уларнинг даромад манбаини кенгайтириш борасида юритилаётган солиқ-бюджет сёсати туфайли маҳаллий бюджетларда қўшимча 2 триллион 200 миллиард сўм шакланган. Шундан

1 триллион 400 миллиард сўми туман ва шаҳарлар ихтиёрида қолди.

2026 йил 1 апрель ҳолатига кўра, фаолият юритаётган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектлари сони 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 11,8 фоизга ёки 44,5 мингтага ошди.

Шу билан бирга, Президентимиз ким-да-ким “Биринчи чорак кўрсаткичи яхши бўлди, йил якунигача ҳам шундай давом этади”, деб хотиржамликка берилса, хато қилишини алоҳида қайд этиб, 2026 йилни юқори натижалар билан якунлаш бўйича вазифаларни ҳам белгилаб берди.

Жумладан, банклар орқали кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, кредитларни энг самарали лойиҳаларга йўналтириш зарурлиги таъкидланди. Қайд этилганидек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш, энергия самарадорлигини ошириш, инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланишни талаб қилади.


Мамлакатимизда валюта тушумини кўпайтиришда экспорт-бюджетларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бир қаторда сайёҳлар оқимини кўпайтириш муҳим ўрин тутди.

Пировард мақсад халқимизни рози қиладиган, арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва мустаҳкам озиқ-овқат хавфсизлигига эришишга қаратилган.



Шарҳ

Ўтган йилларда "иклим ўзгариши" деган сўз бирикмасини илмий журналлардаги мақолалардан кўра кўпроқ сиёсий нутқларда эшитиб қолар эдик. Ваҳоланки, уйимиз ёнидаги ариқлар қуриб, тоғ этакларидаги чашмалар ортга чекинаётгани ва Орол денгизи ўрнида туз барханлари қолаётгани орқали у ўзини сездирмоқда, танамизда ҳис қилдирмоқда.



# СУВ — ГЕОСИЁСАТ ЭМАС, ТИРИКЛИК МАНБАИ



Фарида ҚҮЛДОШЕВА, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети доценти

ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёда ҳарорат глобал ўртача кўрсаткичга нисбатан икки баробар тезроқ кўтарилмоқда. Минтақа музликларининг учдан бир қисми аллақачон йўқолган. Айримлар яхши тасаввур қиладики, Ўзбекистоннинг сув таъминоти асосан ана шу музликлардан бошланади. Улар эримай туриб, дарёлар тўлмайди. Дарёлар тўлмаса, ер суғорилмайди. Ер суғорилмаса, нон бўлмайди.

Саммитда иштирок этаётган давлатлар миллий павильонларида ўз ютуқлари ва режаларини намойиш этди. Ўзбекистон павильони интерфаол ва мультимедиа элементлари билан жиҳозланган тарзда тўзилиб, мамлакатнинг экология ва барқарор ривожланиш соҳасидаги давлат сиёсатини ёрқин ифода этди. "Чикиндиси ҳудуд", "Тоза ҳаво", "Яшил макон", "Экомаданият", "Биомерос" ва "Экологик таълим" каби лойиҳалар кенг аудиторияга тақдим қилинди.

Саммитда муҳокама этилган саккизта устувор йўналиш иқлим ўзгаришига қарши курашиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, табиий хавф-хатарларга мослашиш, ҳаво ифлосланишини камайтириш, барқарор ресурслар менежменти, "яшил" иқтисодиётга ўтиш, экологик ва рақамли компетенцияларни ривожлантиришда ниҳоятда муҳим.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) 1993 йилда Марказий Осиёдаги энг йирик экологик фожиа — Орол денгизининг қуришига биргаликда жавоб беришга уришн сифатида яратилган эди. Ўтган ўттиз

йилдан ортиқ вақт мобайнида жамғарма қисман муваффақиятларга эришди, қисман эса самарасиз йўналишларда ресурслар фойдаланди. Бироқ Қозғоғистоннинг 2023-2026 йиллардаги раислиги даврида ишлар тизимланди, ҳужжатлар тайёрланди, янги дастурлар шакллантирилди. Энди раислиқни Ўзбекистон 2027 йилдан бошлаб қабул қилади. Бу Ўзбекистон учун улкан масъулият. Нима учун? Чунки ОҚХЖ фақат махсус дипломатик тузилма эмас, у сув, ер ва ҳаво учун минтақавий давлатлар ўртасидаги энг муҳим мулоқот платформаси.



“Сув сиёсат эмас, у тақдир. Орол денгизи бу тақдирнинг энг аччиқ сабоғи. Агар ўша сабоқдан ўрганиб, бугун тўғри қадамлар ташлай олсак, эртанги Марказий Осиё ёшлари бизни миннатдорлик билан эслайди.”



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

## Аёллар тадбиркорлиги

# ҒОЯДАН РЕАЛ ИҚТИСОДИЙ ҚИЙМАТГАЧА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Жорий йил 6 март куни Кўксарой қароргоҳида Президентимиз иштирокида ўтказилган тадбирда мазкур йўналишда аниқ вазифалар белгилаб берилди.



Хусусан, жорий йилда 1,5 миллион хотин-қизни даромадли қилиш, шундан 400 минг нафарини тадбиркорликка жалб этиш ҳамда бу мақсадлар учун 25 триллион сўмдан ортиқ ресурслар йўналтириш режалаштирилган.

"Узсаноатқурилишбанк" томонидан Бухоро шаҳрида ташкил этилган бизнес-тренинг мазкур вазифалар ижросига қаратилган амалий ташаббуслардан биридир.

Аёллар тадбиркорлиги нафақат шахсий даромад манбаи, балки ижтимоий-иқтисодий барқарорлиқни таъминловчи муҳим омилдир. Улар томонидан ташкил этилган бизнеслар янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллий иқтисодиётнинг ривожлантиришига хизмат қилади.

Кредит миқдори яратиладиган иш ўринлари сонига боғлиқ ҳолда оширилиб, йирик лойиҳалар учун бир неча миллиард сўмгача етиши мумкин. Бу эса турли босқичдаги аёллар тадбиркорлигини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Давлат миқёсида ҳам янги механизмлар жорий этилмоқда. Жумладан, "Даромадли аёл" дастури доирасида 50 минг хотин-қизнинг бандлиги таъминланиши, "Ҳамроҳ" дастури орқали 3 мингта бизнес лойиҳага 1 триллион сўм ажратилиши белгиланган. Шунингдек, 166 минг хотин-қиз замонавий касб ва тадбиркорликка, 100 минг нафари эса ахборот технологияларига ўқитилиши режалаштирилган.

Давлат миқёсида ҳам янги механизмлар жорий этилмоқда. Жумладан, "Даромадли аёл" дастури доирасида 50 минг хотин-қизнинг бандлиги таъминланиши, "Ҳамроҳ" дастури орқали 3 мингта бизнес лойиҳага 1 триллион сўм ажратилиши белгиланган. Шунингдек, 166 минг хотин-қиз замонавий касб ва тадбиркорликка, 100 минг нафари эса ахборот технологияларига ўқитилиши режалаштирилган.

Тадбир довомида муваффақиятли тадбиркор аёллар ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

## Баҳор мавсуми қишлоқ ҳўжалиги учун муҳим давр. Бу вақтда ерга экин экилиб, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ишлари авж паллага киради.

Қўрилмаган омилар қаторида зарарли ҳашаротлар ҳам бор. Сабаби, баҳорнинг илк кунларидан барча тирик организмлар каби ҳашаротлар ҳам қишқи уйқудан уйғониб, озуқа излай бошлайди. Бундай вақтда улар биринчи галда эндигина ерга қадалган экинлар, ниҳол ва ўсимликларга ҳужум қилиб, қишлоқ ҳўжалигига жиддий хавфни юзага келтиради.

Маълумотларга кўра, юртимиз иқлим шароитида экин учун энг зарарли, тўда ҳосил қилувчи 6-8 турдаги зарарли чигирткаларнинг

жуборилди. Бу анъанавий кимёвий кураш бўлиб, ҳар йили мамлакатимизнинг воҳа ҳудудидан бошланиб, Қорақалпоғистондаги туманларда кучланибди.

Чигирткалар бир қарашда беозор кўринади. Ҳар ҳолда болаларимизда шундай тасаввур қилардик. Аммо ўшанда ҳам чигирткаларнинг экинларни еб, қишлоқ ҳўжалигига зарар келтириши ҳақида кўп эшитардик. Кейинроқ чигирткалар тўда-тўда бўлиб экинларга ҳужум қилганида катта-катта ер майдонидидаги ўсимликларни

даланиши мумкин. Амалиёт мутлақо бепул, кимёвий ишлов харажатлари тўлиқ давлат томонидан қопланади.

Зараркунандаларга қарши кураш мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим ҳамда тарқибий қисмларидан. Бугун юртимиз бўйлаб экинлар ва ўсимликлар парваришида аниқ жиҳатларга катта эътибор қаратилаётгани боиси шунда. Жумладан, серёғин кунлар натижасида галлада юзага келадиган занг касаллигининг олдини олиш мақсадида фунгицидлар билан ишлов бериш ишлари бошлаб юборилган.

# Ўзи кичкина, ТАЛАФОТИ УЛКАН

тарқалиш хавфи мавжуд. Ўзбекистон азалдан бу турдаги ҳашаротларнинг тарихий ареали (майдон, макон)дир. Мавсумда эса қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудлардан мамлакатимизга зарарли чигирткаларнинг учиб ўтиши хавфи ҳам ортади.

Жорий йил март ойи охирида Қашқадарё вилоятининг айрим ҳудудларини зарарли чигирткалар қоплагани ҳақидаги хабарлар тарқалди. Уларда чўпонларнинг адирларда чигирткалар тўдаси пайдо бўлгани ҳақида айтиб, бу зараркунандалар экинларни нобуд қилиши мумкинлигиндан хавотирда экани акс этган. Мурожатла асосан, карантин инспекторлари чигирткаларга қарши дарҳол кимёвий кураш чораларини кўрди. Мутасаддилар ҳолат бўйича муносабат билдирар экан, барчаси назоратда экани, доимий кузатув йўлга қўйилгани ва кимёвий ишлов берилишини маълум қилди.

— Бу борада мониторинг ишлари нафақат мамлакатимиз ҳудуди, балки чегарадош туманларда ҳам мунтазам давом этади. Аҳоли орасида тарқалган видеолавахда 1-2 ёшдаги Марокаш чигиртаси акс этган, — дейди Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати раҳбари Баҳодир Худойқулов. — Улар то ёнбағирлари, адирларда пайдо бўлиб, чўпонларнинг эътиборини тортган. Ҳашаротлар бу даврда экинзорлар, қир-адирлардаги ўсимликларга хавф туғдирамайди. Шундай бўлса-да, аниқ даврда анъанавий кимёвий ишлов берилади. Сабаби, ҳашаротларнинг экинзорлар, томоркаларга етиб боришининг олдини олиш зарур. Акс ҳолда, зараркунандалар қишлоқ ҳўжалиги ерига катта талафот етказиши мумкин.

бир ҳамлада еб битириши мумкинлиги ҳақида эшитиб, ишонч ҳосил қилганман.

Бу турдаги зараркунандаларнинг дунё озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий зарар етказиши илмий исботланган. Ҳатто баъзи давлатларда чигирткалар ҳужуми туфайли мамлакат қишлоқ ҳўжалигининг катта қисми зарар кўриб, иқтисодий муаммолар юзага келгани ҳақида ҳам биламиз. Узоққа бормайлик: 2020 йил баҳорида Яқин Шарқ, Африка ва Осиёдаги 23 давлатда чўл чигиртаси ёппасига тарқалиб, дастлабки даврда уларнинг маҳсулоти қишлоқ ҳўжалигининг катта қисми зарар кўриб, иқтисодий муаммолар юзага келгани ҳақида ҳам биламиз. Узоққа бормайлик: 2020 йил баҳорида Яқин Шарқ, Африка ва Осиёдаги 23 давлатда чўл чигиртаси ёппасига тарқалиб, дастлабки даврда уларнинг маҳсулоти қишлоқ ҳўжалигининг катта қисми зарар кўриб, иқтисодий муаммолар юзага келгани ҳақида ҳам биламиз.

— Зарарли ҳашаротларга қарши кураш юртимизда анъанавий ҳаракатлардан бири бўлиб, тегишли техникалар мавсум олдиндан шай ҳолатга келтириб қўйилади, — дейди Баҳодир Худойқулов. — Жорий йилги баҳор мавсумида мамлакатимиз бўйлаб 651 минг гектар майдонга кимёвий ишлов бериш режалаштирилган. Маҳаллалар билан ҳамкорликда ҳар бир зарарли ҳашарот ўчоғи электрон ҳариталарга туширилган. Уларга бирин-кетин кимёвий ишлов бериляпти. Бугунга қадар 204 минг гектардан ортиқ майдонда мониторинг ишлари бажарилган бўлса, 146 мингдан зиёд гектар ерга кимёвий ишлов берилди. Фуқаролар исталган вақтда қисқа рақамларга қўнғироқ қилиш орқали зарарли ҳашаротлар ҳақида хабар бериб, кимёвий кураш хизматидан фой-



Кун мавзуси

прогноزلар тақдим этилмоқда. Бу фермер ва деҳқонларга зарарли организмларнинг ривожланиш босқичларини олдиндан аниқлаб, уларга қарши самарали чораларни камида ўн кун аввал қўллаш имконини берапти.

Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари кенгашининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари кенгашига аъзо бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Киргизистон, Мўғулистон миллий касба уюшмалари марказлари мутасаддилари раҳбарлигидаги делегациялар, шунингдек, Туркманистон касба уюшмалари миллий маркази делегацияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) Европа ва Марказий Осиё сектори мудири Сергиу Гловацкас, Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси ҳудудий кенгашлари ҳамда тармоқ касба уюшмалари республика кенгашлари раислари, федерация аппарати масъул ходимлари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ КАСБА УЮШМАЛАРИ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ТУЗИЛДИ

## БУ МУНТАЗАМ ФИКР ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШ УЧУН МУҲИМ ПЛАТФОРМА БЎЛАДИ

— Бундан қарийб 5 йил муқаддам Тошкентда Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари кенгашининг таъсис йиғилиши ўтказилган эди, — деди Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. — Бугун биз ишонч билан таъкидлашимиз мумкинки, кенгаш ўзини аъзо мамлакатларда касба уюшмалари ҳаракати ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳолати ҳамда фаолияти тўғрисида мунтазам фикр ва тажриба алмашиш учун муҳим платформа

“ Умумий йиғилиш давомида Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари конфедерацияси бош кенгаши ва унинг таркиби сайланди, конфедерациянинг ижроия кўмитаси таркиби тасдиқланди. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари конфедерациясининг ишчи аппарати тузилиши, унинг штатларини тасдиқлаш ва молиялаштириш манбаини белгилаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

таъминлайлик” шиори остида ўтказилмоқда. Ушбу кун доирасидаги тадбирларда психосоциал хавфлар: иш жойида стресс, қароқ, зўравонлик ва таъқибларга қарши курашиш; меҳнат шартлари: иш ҳажмини оптималлаштириш; хавфсизлик маданияти: руҳий фаровонлик ва ҳиссий равишда қадрланганидан муҳитни яратиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини доирасида касба уюшмалари ижтимоий шериклар би-



Анжуман



вазифасини бажарувчи ҳаётини ва нуфузли халқаро минтақавий касба уюшма тузилмаси сифатида кўрсата олди.

Ҳақиқатан, кенгаш ривожининг 5 йиллик йўли касба уюшмалари бирдамлиги самарадорлигини ва меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда умумий ёндашувларга бўлган талабни яққол кўрсатди. Кенгашнинг умумий йиғилишларида меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя, касба уюшма таълими, янги ахборот технологияларини татбиқ этиш ва касба уюшмалари фаолиятига тааллуқли қўллаб-қувватлаш йўналишларидаги долзарб масалалар муҳофаза этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Ижтимоий мулоқот учун самарали майдонга айланган кенгаш фаолияти Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва Халқаро касба уюшмалари конфедерацияси (ХКУК) томонидан ҳам юқори баҳоланди ва Марказий Осиёдаги асосий ҳамкор сифатида тан олинди. Бир сўз билан айтганда, кенгаш қисқа муддат ичида шунчаки расмий тузилма эмас, балки чинакам жонли ва самарали

механизмга айланди ва бу нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилди.

Йиғилишда 2026 йилда Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари кенгашига раислик қилиш вазифасига бир овоздан Ўзбекистон касба уюшмалари федерациясига берилди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатларида миллий уч томонлама ижтимоий мулоқот амалиёти масаласи кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, ижтимоий мулоқот муносоиб меҳнат, инклюзив ривожланиш ва ижтимоий ҳамжиҳатликни илгари суриш ва таъминлаш, шунингдек, самарали бошқарувни ривожлантиришнинг асосий воситасидир. Трипартизм эса Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий тамойили ва қадрияти ҳисобланади. Мамлакатларимизда уч томонлама маслаҳатлашувлар мавзуси бўлган қатор умумий соҳалар мавзуди, булар бандлик ва меҳнат муносабатлари, иқтисодий сиеват, иш ўринларини яратиш, гендер тенглик, ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя, меҳнат шартлари, Халқаро

меҳнат меъёрлари ва Халқаро меҳнат ташкилоти дастурлари каби масалаларни қамраб олади. Минтақадаги ҳар бир мамлакатда ижтимоий-иқтисодий сиеватнинг асосий йўналишларини белгиловчи уч томонлама жамоа бош келишувлари қабул қилинади. Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари кенгашига кирувчи касба уюшма марказлари бу борада ўзига хос тажрибага эга. Бундан келиб чиққан ҳолда, йиғилишда миллий уч томонлама мулоқот бўйича тажриба алмашиш ва яқин истиқболдаги умумий вазифалар белгилаб олинди.

Шундан сўнг Марказий Осиё мамлакатларида қулай психосоциал иш шартлари яратишда касба уюшмаларининг роли масаласи муҳофаза этилди. Таъкидланганидек, ҳар йили 28 апрель санаси барча мамлакатларда Жаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини сифатида нишонланади. Одатда ушбу кун шиори Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан белгиланади. Бу йил Жаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини “Келинг, соғлом психосоциал иш муҳитини

лан ҳамкорликда меҳнат жамоаларида мавзуга оид викториналар ва танловлар, ўқув семинарлари ва тренинглари, иш жойларини ўрганиш ва йўриқномаларни янгилаш тадбирларини ўз ичига олган меҳнат муҳофазаси ҳафталикларини ўтказмоқда.

Кун тартибидан ўрин олган навбатдаги масала Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмаларининг платформа иқтисодий таъминоти бўлиб қолди. Таъкидланганидек, 2026 йилнинг июнь ойида Халқаро меҳнат конфедерациясининг 114-сессияси бўлиб ўтади. Унда платформа иқтисодий таъминоти муносоиб меҳнат, иш жойида гендер тенглик, шунингдек, ижтимоий мулоқот ва уч томонлама ҳамкорликка тааллуқли масалалар муҳофаза этилиши кўзда тутилган. Сессияда платформали бандлик бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияси ёки тасъис қабул қилиниши кутилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари кенгаши умумий йиғилишида платформали бандлик соҳасига оид барча масалалар, жумладан, мавжуд хавфлар батафсил

муҳофаза этилди. Бу соҳада Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари кенгаши баёноти ишлаб чиқилгани, кейинчалик ушбу баёнот Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро касба уюшмалари конфедерациясига расман тақдим этилиши билдирилди.

Навбатдаги муҳокамалар давомида Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари кенгашини Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари конфедерациясига айлантириш ва устани тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, илгариоқ Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари кенгашини доимий аппаратга эга тузилмага айлантиришга келишиб олинган эди. Бугун кенгашни доимий қароргоҳга эга халқаро тузилма сифатида ташкил этиш аини мудоаодир. Кенгашни конфедерацияга айлантириш ташаббуси иштирокчилар томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Янги конфедерация устанини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор бир овоздан қабул қилинди. Бу орқали фақат тузилма номи ўзгартирилмади, балки минтақа касба уюшмалари ҳаракати тарихининг янги саҳифаси очилди десак, мууболаға бўлмади.

Шундан сўнг “Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари конфедерацияси бош котибини сайлаш тўғрисида”ги масала кўриб чиқилди.

Сўзга чиққанлар Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари конфедерацияси бош котиби этиб Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовни сайлаш таклифини илгари сурди. Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Умумий йиғилиш давомида Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари конфедерацияси бош кенгаши ва унинг таркиби сайланди, конфедерациянинг ижроия кўмитаси таркиби тасдиқланди. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари конфедерациясининг ишчи аппарати тузилиши, унинг штатларини тасдиқлаш ва молиялаштириш манбаини белгилаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

\*\*\* Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари конфедерациясининг умумий йиғилиши иштирокчилари Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси марказида ҳам бўлди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси маркази нафақат ўтмиш ҳақида ҳикоя қиладиغان, балки тарих, бугун ва келажакни боғлайдиган, тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган ақл-тафаккур марказидир. Олтин аср ва янги Ўзбекистон ўртасидаги кўпrik бўлган ушбу масқанда меҳмонлар бой маънавий ва илмий меросни мамлакатнинг замонавий интилишлари билан боғлайдиган жараёнлар, хусусан, марказдаги Шоншараф зали, Курнони карим зали, Исмоилдан аввалги давр цивилизациялари бўлими бўлган Сўғи зали, Бағрикенглик майдони билан танишди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан яратилган рақамли платформа эса юздан ортиқ буюк мутафаккир ва олимларнинг экранида “жонлиниб”, ўз гомили ва кашфиётлари ҳақида сўзлагани меҳмонларда бетакрор таассурот қолдирди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,  
Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси  
Матбуот хизмати раҳбари

Бугунги глобаллашув шароитида инсон капитали ҳар қандай давлат тараққиётининг ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда. Айниқса, касбий таълим тизимининг сифат жиҳатидан янгиланиши, уни халқаро стандартларга мослаштириш ва меҳнат бозори билан узвий боғлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, яқинда Германияда илк бор ўтказилган Ўзбекистон – Германия касбий таълим форуми икки давлат ўртасидаги таълим, меҳнат бозори ва халқаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур форум Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) томонидан амалга оширилган “TexVET II” ва “Skilled Labour Management Uzbekistan” лойиҳалари доирасида ташкил этилди. Ушбу ташаббус Ўзбекистон касбий таълим тизимини модернизациялаш, дуал таълимни ривожлантириш ва ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида эътироф этилди.

Форумда Германиянинг вазирлик ва идоралари, Савдо-саноат палаталари, иш берувчи йирик компаниялар, касбий таълим муассасалари, халқаро экспертлар ҳамда немис тилини ўқитиш ташкилотларидан 200 нафардан ортиқ вакил иштирок этди. Тадбирнинг янги йиғилишида Турингия Федерал ери ижтимоий масалалар вазири К.Шенк, Германия Федерал иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазирлиги вакили К.Пробст, “TELC” халқаро компанияси директори Ю.Кенчер каби нуфузли мутахассислар сўзга чиқиб, Ўзбекистонда касбий таълим ва миграция соҳасидаги ислохотларни юқори баҳоладди.

Хусусан, К.Шенк ўз нутқида техникумларда немис стандартларини жорий этиш битирувчиларга нафақат Германия меҳнат



Азимжон ХУСАНОВ,  
Касбий таълим агентлиги директори

бозорида юқори даромадли иш топиш, балки Ўзбекистон иқтисодийи учун халқаро даражада тан олинган юқори малакали кадрлар тайёрлаш имконини беришини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонда касбий таълим тизимини тубдан модернизациялашга қаратилган ёндашувлар, жумладан, техникум ўқувчиларини иш билан таъминлаётган корхоналар учун 1 фонзли солиқ имтиёзи жорий этилгани, 2026 йилдан бошлаб дуал таълим тизими асосида тахсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш амалиёти йўлга қўйилиши Германия делегацияси томонидан алоҳида эътироф этилди. Ўқувчиларнинг академик натижаларига қараб стипендиялар тизими жорий қилиниши, ҳудудларда илгор касбий маҳорат техникумлари ташкил этилиши ҳамда ушбу муассасаларда фаолият юритаётган педагогларнинг иш ҳақи икки баравар оширилгани Германия томонидан катта таассурот қолдирди. Мазкур чоратадбирлар нафақат таълим сифатини ошириш, балки меҳнат бозорига юқори малакали, рақобатбардор кадрларни етказиб беришга хизмат қилувчи пухта ўйланган тизимли ислохотлар сифатида баҳоланди.

Рақамларда ифодаланган ишонч

Форум якуни бўйича жами 47 та ҳамкорлик шартномаси имзоланди, шундан 14 таси республика даражасида амалга оширилди.



ди. Шу билан бирга, учрашувлар доирасида Германия таълим дастурларини жорий этиш, педагоглар малакасини ошириш, хорижий мутахассисларни жалб қилиш, немис тилини ўқитиш ва миграция масалаларига оид 30 та муҳим ҳужжат имзоланди.

Эришилган келишувлар асосида яқин йилларда қатор аниқ натижаларга эришиш режалаштирилган. Жумладан, 39 та техникумда ҳар йили камида 2280 нафар ёш Германия таълим дастурлари асосида ўқитилади, энергетика, саноат ва қурилиш йўналишларида 14 та замонавий устакхона ташкил этилади. Шунингдек, 160 педагог Германияда малака оширади ва стажировкадан ўтади, камида 40 нафар немис мутахассиси эса бевосита таълим жараёнига жалб этилади.

Халқаро меҳнат бозорига чиқиш имкониятлари ҳам кенгаймоқда. Хусусан, 2026-2027 йилларда 1,5 минг фуқаро Германияда қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат, хизмат кўрсатиш, ҳайдовчилик ва гастрономия соҳаларида иш билан таъминланади. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўзида

700 ҳамшира ва парваришловчи Германия клиникаларида иш бошлаши кўзда тутилган.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ҳамширалик йўналишидаги ўқувчилар учун бепул немис тили курслари йўлга қўйилди, техникум ўқувчилари Германия корхоналарида қисқа муддатли амалиёт ўташ имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, “TELC” билан ҳамкорликда халқаро сертификатлаш тизими ривожлантирилиб, ҳар йили камида 100 нафар немис тили ўқитувчиси Б2/С1 даражадаги имтиҳонларга тайёрланади. “Bildung und Beruf”, “SBH West”, “Avestos”, “Prosis” каби ташкилотлар билан ҳамкорликда амалиёт, малака ошириш ва замонавий онлайн таълим платформала-

рини жорий этиш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилди.

Форум давомида Германияда тахсил олаётган ва фаолият юритаётган 30 дан ортиқ ўзбекистонлик билан очиқ мулоқот ўтказилди. Улар томонидан немис тилини ўқитишни кенгайтириш, қисқа муддатли касбий курсларни кўпайтириш ҳамда хориждаги талабаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш бўйича қатор таклифлар билдирилди.

### Муваффақият формуласи

Ҳозир касбий таълим тизимида шаклланаётган янги моделнинг марказида дуал таълим турибди. Бу ёндашув таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги анъанавий узилишни бартафат этиб, уларни ягона тизимга бирлаштираётган муҳим механизмга айланмоқда. Бугунги кунда 510 дан ортиқ техникум, 14 мингдан зиёд корхона ва ташкилот ҳамда 67 мингдан ортиқ ўқувчи “устоз-шогирд” тамойили асосида фаол ҳамкорлик қилаётгани дуал таълимнинг амалда қандай кенг қамровли тизимга айланишини кўрсатади. Энг эътиборлиси, ишлаб чиқаришнинг ўзидан жалб этилган 17 мингдан ортиқ малакали мутахассиснинг устоз сифатида иштирок этаётгани таълим жараёнини реал меҳнат муҳити билан бевосита боғламоқда.

Бу жараён касбий таълимнинг моҳиятини тубдан ўзгартирди. Энди ўқувчи фақат аудиторияда ўтириб билим олмади, балки ишлаб чиқариш жараёнининг тўлақонли иштирокчиси айланади. Бу диплом эмас, аксинча, реал кўникма учун таълим тамойилига асосланмоқда. Натижада битирувчи меҳнат бозорига мослашган босқич учун ортиқча вақт сарфламасдан, тайёр мутахассис сифатида кириб келади. Дуал таълимнинг яна бир муҳим жиҳати — иқтисодий билан тўғривдан тўғри интеграциялашганлидир. Ҳудудларда “инвестор — тармоқ — техникум” занжири йўлга қўйилгани ва 4 мингдан ортиқ йирик иш

# СОКИН ВА ФАЙЗЛИ ГЎШАЛАР

## ЁКИ ТУРИЗМ КЎЧАЛАРИ ҲАМДА ҚИШЛОҚЛАРИ ҲАҚИДА



### Сайёҳлик манзиллари

Яқинда давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманига ташриф буюриб, туман ҳокимлиги фаолияти, жойлардаги бунёдкорлик ва инфратузилмани ривожлантириш ишлари билан танишиш чоғида Ўзбекистон овози туризм кўчасида ҳам бўлган эди. Бу каби кўчаларнинг аҳоли турмуш фаровонлиги ва иқтисодий тараққиотидаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



унга яқин жойда ҳовуз барпо этилди. Қаштачилик ва ҳунармандчилик устаноналари, новвойхона, миллий ошхоналар, заргарлик дўконлари сайёҳларга халқимизнинг қадриятлари, урф-одатлари ва тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Кечаю кундуз муттасил ишлаётган замонавий гастрономик ва сайёҳлик кўчалари бугун шиддат билан ривожланипти. Улар қўлайлиги, дизайни ва кўнгличар муҳити билан ажралиб туради. Мисол учун, пойтахтимиз марказидаги Бунёдкор кўчасини кўпчилик яхши билади. Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларини боғлаб турувчи мазкур кўча доим одамлар билан гавжум. Кўчанинг 1,5 километр қисми хизмат кўрсатиш ва гастротуризм кўчасига айлантирилди. Бу ердаги 90 та тадбиркорлик субъектида одамларга туну кун хизмат кўрсатилади.

Гастротуризм кўчасида аҳолининг сайр қилиши, овқатланиши, дам олиши учун барча қўлайлик бор. Ўзгача кўринишдаги ландшафт дизайни, фавворалар кўчага тароват бағишлайди.

Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек туманидаги Ўзбекистон овози, Миробод туманидаги Тарас Шевченко кўчаларида туристлар учун



Туризм қишлоқларида оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ривожланиб, ҳозир оилавий меҳмон уйлари 1480, хостеллар 45, ўтов уйлар 47 ҳамда бошқа турдаги жойлаштирув воситалари сони 128 тани ташкил қилади.

қўлай ва шинам муҳит яратилди. Автомобиль йўли учун қўлама, мунтазам ишловчи кузатув камералари, декоратив фавворалар, айвонлар, ёритиш тизимлари, автотурагоҳ, қаҳвахона-ресторан, замонавий ўриндиқлар шаҳар жозибасини оширмақда.

Бундай шинам кўчалар пойтахтнинг ҳар бир туманида барпо этилаётди.

Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида 6 тадан, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида 4 тадан, Хоразм ва Жиззах вилоятларида 3 тадан, Қашқадарё вилоятида 2 та туризм кўчаси ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сирдарё, Навоий, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳам туризм кўчалари фаолияти йўлга қўйилган. Жараён мамлакатнинг барча ҳудудини қамраб олган, — дейди Туризм қўмитаси раисининг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси Шаҳбоз Саидхон.

Туризм кўчаларини туну кун фаолият юритадиган замонавий масканга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу борада Андижон шаҳридаги Амир Темури кўчасини 24/7 форматда ишлайдиган туризм кўчасига айлантириш режалаштирилган. Самарқанд шаҳрида эса қатор кўчаларни замонавий хиёбон типидagi маданий ва кўнгличар ҳудудларга айлантириш, айримларини эса туну кун ишлайдиган форматга ўтказиш кўзда тутилган.

Жойлардаги яна бир муҳим ташаббус туризм кўчаларини тематик ва тарихий руҳда шакллантиришдир. Масалан, Қўқон

шаҳридаги баъзи маҳаллалар ҳудудида қадимги шаҳар қиёфасини акс эттирувчи туризм кўчаларини очиб кўзда тутилган. Бу сайёҳлар оқимини ошириш бораберида тарих ва миллий маданиятни янада кенг тарғиб этиш имконини беради. Фарғона шаҳрида ҳам янги замонавий туризм кўчаларини ташкил этиш ишлари давом эттирилмоқда. Мисол учун, Фарғона шаҳридаги Қаштанзор кўчаси бу йил туризм кўчасига айлантирилди.

Сайёҳлик кўчаларини ташкил этишда халқаро бунёдкорлик муҳим. Чунки тайёр, синовдан ўтган ечимлар орқали вақт ва ресурсларни тежаш, сайёҳлар эҳтиёжига мос муҳит яратиш мумкин. Дизайн ва инфратузилма, эстетик жиҳатдан шинамлини таъминлашда халқаро тажриба, албатта, керак. Бу жараёнда маҳаллий маданият, иқлим ва анъаналар ҳисобга олинмоқда.

Когон шаҳрида Жаҳон банки кўмағида маданий мерос объектлари негизда турли халқларнинг миллий ошхоналарини очиб бўйича мастер-режа ишлаб чиқилмоқда, — дейди Шаҳбоз Саидхон. — Хусусан, италиян, олмон, уйғур, хитой ва япон ошхоналарини очиб кўзда тутилган. Мазкур лойиҳага гастрономик туризмни ривожлантириш ҳамда маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Туризм кўчаларининг самарали фаолият юритишида маданий-кўнгличар тадбирларнинг ўрни беқиёс. Бугун сайёҳлик объектларида ҳар йили 100 дан ортиқ турли тадбирлар

ўтказилаётди. Хусусан, Хива шаҳридаги тарихий мажмуаларда театрлаштирилган сахна кўринишлари, Самарқандда йирик фестиваллар, Бухорода халқаро маданий тадбирлар уюштирилмоқда.

Транспорт хизмати туристик саёҳатнинг муҳим қисми. Манзилга хавфсиз етиб бориш, саёҳатни кўнглидагидек ўтказишда транспорт катта аҳамиятга эга. Шу боис, йирик шаҳарларда сайёҳлик йўналишлари учун махсус автобус қатновлари йўлга қўйилди. Бу туристик объектлар ўртасида узлуксиз ҳаракатни таъминламоқда. Ҳудудларда ташкил этилган махсус маршрутлар орқали тарихий ва маданий масканларни қисқа муддатда кўриш мумкин бўлмоқда.

Давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлов механизмларининг жорий этилиши соҳанинг жадал ривожланишига хизмат қилаётди. Президентимизнинг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қўллаб-қувватлов амалга ошириш учун катта ҳажмдаги маблағ ажратилиши белгиланган. Айниқса, туну кун фаолият юритадиган туризм ва гастрономик кўчаларни ривожлантириш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилиши соҳа истикболда муҳим омил бўлаётди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бу эса туризм кўчаларида фаолият юритадиган бизнес вакилларининг имкониятларини кенгайтириб, хизматлар сифатини янада оширишга замин яратди.

Паркент туманидаги Кумушқон туристик қишлоғини билмаган одам бўлмаса керак. Табиат ва инсон қўли билан барпо этилган гўзаллик қишлоққа ўзгача файз бағишлаб туради. Табиати, тоза ҳавоси, аҳолининг яшаш тарзи, оилавий меҳмон уйлари билан сайёҳларни ўзига жалб қилаётган бу масканда туризм қишлоғи мақоми учун зарур барча инфратузилма яратилган. Бундай қишлоқлар нафақат дам олиш жойи, балки инсонга тинчлик, илҳом ва табиат билан яқинлик туйғусини бахш этувчи маскандир.

Туризм қишлоқларида оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ривожланиб, ҳозир оилавий меҳмон уйлари 1480, хостеллар 45, ўтов уйлар 47 ҳамда бошқа турдаги жойлаштирув воситалари сони 128 тани ташкил қилади.

Сайёҳларга ҳар томонлама қўлайлик яратиш ҳамда улар учун хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар бир қишлоқда уларга камида 5 та сифатли хизмат тақдим этилмоқда. Мисол учун, Поп тумани Чоқдак туризм қишлоғида 301 та, Янгийўл тумани Нанай туризм қишлоғида 196 та ҳамда Самарқанд шаҳрида жойлашган Богйобанд туризм маҳалласида 32 та оилавий меҳмон уйи очилган.

Туристик кўрғазма объектлари ҳар бир қишлоқда мавжуд. Ҳунармандлар савдо расмалари, ҳунармандчилик марказлари, уй-муҳайлар фаолияти йўлга қўйилган ҳамда маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқараётган эсдалик совғалар сотиладиган шохобчалар ташкил этилган. Туризм қишлоқларида ва маҳаллаларида 2800 дан зиёд иш ўрни яратилган.

Ўзбекистон туризмни ривожлантиришда янги босқичга қадам қўйиб, халқаро майдонда жозибдор сайёҳлик йўналиш сифатидаги мавқеини тобора мустаҳкамлаб бораётипти. Буни туризм қишлоқлари ва маҳаллалари ривожини мисолида ҳам кўриш мумкин.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

# “БОЙСУН БАҲОРИ” ЯНА ДУНЁ НИГОҲИДА

## Тараддуд

## ҚУРОҚ КЎРПА ҲАЙРАТ УЛАШИШГА ТАЙЁР

Минглаб қалбларни ром этиб келаётган “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали жорий йил 13-мавсумини юқори савияда қарши олмақда. Ушбу фестиваль нафақат Сурхондарё вилоятининг, балки бутун Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, қадимий анъаналари ва ўзига хос миллий қадриятларини дунёга намойён этувчи йирик маданий тадбирга айланиб улгурди.

Сурхондарёнинг бетакор ва жозибали табиати бағрида ўтказиладиган бу йилги фестивал ҳақиқий маънавият, санъат ва қадриятлар байрамга айланиши шубҳасиз. Тоғлар кўйидаги Бойсуннинг мусоффо ҳавоси, қадимий оҳанглари миллий куй-кўшиқлари, ранг-баранг либослари ва самимий инсонлар меҳмонларга унутилмас таассурот бағишлайди.

Бу йилги фестивал мазмунини янада бойитиб, ташкилий ишларнинг ҳар бир жиҳатида янгича ёндашув асосида тайёрларлик кўрилди. Худудлар бўйича ташкил этилаётган миллий кўрғонлар фестивалнинг энг диққатга сазовор жиҳатларидан бирига айланиши шубҳасиз. Бу кўрғонларда ҳар бир вилоят ва туман бой тарихи, урф-одатлари, миллий таомлари ҳамда ҳунармандчилик анъаналарини намойиш этади. Натияжада меҳмонлар

Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари бўйлаб саёҳат қилгандек ҳисни туйди.

Фестивалда миллий либослар ва уларнинг замонавий талқинлари кенг намойиш этилди. Атлас ва адрасдан тикилган нафис кўйлақлар, зардўзлик санъати билан безатилган чопонлар, миллий дўппилар, зарҳал камзуллар ҳамда қўлда ишланган тақинчоқлар фестивалга ўзгача кўрқ бағишлайди. Шунингдек, ёш дизайнерларнинг замонавий услубдаги миллий либослар кўрғазмаси орқали меросимизнинг бутунги талқини кенг бритади.

Тадбир доирасида фольклор жамоаларининг чиқишлари, бахшичилик ва достончилик кечалари, миллий спорт мусобақалари, дорбозлар томошалари, аския ва лапарлар, турли халқ ўйинлари ҳамда катта концерт дастурлари ўтказилиши режалаштирилган. Ҳар бир чиқиш орқали томошбинларга халқ



озаки ижодининг бебаҳо намуналарини етказиб берилади.

Майдонга кириш қисмида барпо этилаётган миллий тематик йўлақлар фестивалнинг алоҳида диққатга сазовор қисми. Узунлиги 180 метрни ташкил этувчи ушбу йўлақларда саккиз хил миллий йўналиш ўз ифодасини топиб, уларда амалий санъат намуналари,

ҳунармандчилик буюмлари ва аксессуарлар кенг намойиш этилади.

Фестивалнинг энг ҳайратланарли янгиликларидан бири бойсунлик моҳир ҳунармандлар тайёрлаган улкан қуроқ кўрпадир. Узунлиги 33, эни 5 метрдан зиёд ушбу ноёб санъат асарини олти ойда Назокат Собирова бошчилигидаги 12 ҳунарманд тайёрлади.

Мато парчалари асосида тикилган бу кўрпа ўзидеки миллий қуроқчилик анъаналарининг барча услубини муҳим ҳисоб қилинган.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.  
30821 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет усулда босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов  
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилнинг:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқини — 03:35 Топшириқди — 04:30